Wondershare
PDFelement

**Наманган тумани Халк таълими булими 27- урта мактаб биносини капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича**
**№ 27 - сонли пудрат**

# ШАРТНОМАСИ

«03» ноябрь 2022 йил **Наманган тумани**

**Наманган туман Халк таълими бўлими** номидан низом асосида иш юритувчи рахбари М.Юлдашов бир томондан (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) ва **MUSTAFA FIRST DESIGN МЧЖ** номидан низом асосида иш юритувчи рахбар **М.Ғуламов** иккинчи томондан (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I.Шартнома мавзуси

1.Пудратчи мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи" тасарруфидаги **Наманган тумани Халк таълими бўлими 27-урта мактаб биносини капитал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича** мажбурятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## II.Умумий шартлар

1.Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдикланган (Ф-2,.Ф-3) асосида хисобга олинади хамда тулов учун такдим этилади.

2.Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3.Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига такдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4.Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни микдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади.

## III.Пудратчининг мажбуриятлари

1.Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2.Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор қилиши:

3.Қурилиш вактида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таьминлаш.

4.Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбурятларни тулиқ хажмда бажариш мажбурятини ўз зиммасига олади.

5.Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда обьектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойха смета хужжатларида хисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва курилишнинг смета кийматини ошириш зарурлигини аникласа бу тўғрида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

## IV.Буюртмачининг мажбуриятлари

1.Пудратчи томонидан кабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2.Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун давомида Пудратчига ишл... қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3.Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятларини олади.

## V.Тўловлар ва хисоб – китоблар

1.Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси 91 079 000 ( **Туксон бир миллион етмиш туккиз минг)** сўм (ҚҚС билан ) этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов, тендер савдолари натижасида аникланган қатъий сумма хисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш хақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2.Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз 27 323 700 (Йигирма етти милион уч юз йигирма уч минг етти юз) сум миқдорида аванс ўтказади. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2. Ф-3) ларга асосан 30 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Хисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги хисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини белгиланган кунга қадар тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай холатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5.Пудратчи обьект топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича обьектга мулк хукуқини ўзида саклаб қолади. Обьект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йук қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига кабул килинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган такдирда Пудратчи бу хакда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

## VI. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

1.Пудратчи обьектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбурятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2.Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининиг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3.Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

## VII.Низоларни хал этиш тартиби

1.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## VIII.Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

1.Агар ушбу шартнома буйича мажбурятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса. томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2.Мазкур шартнома буйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

3.Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

Wondershare PDFelement

## IX.Шартномани бекор килиш

1.Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда. Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2.Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меьёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3.Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боглик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддарга тухтатиб куйилганда.

4.Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб куйилганда, конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга .

5.Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6.Шартноманинг бир томонлама бекор килишга йўл қўйилмайди, қонун хужжатларида тутилган холлар бундан мустасно..

## X.Алохида шартлар

1.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари ўз кучини йукотади.

2.Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, Бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.

3.Мазкур шартномага барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, хакикий хисобланади.

4.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

5.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. « Буюртмачи » хамда « Пудратчи » томонидан тасдиклангандан ва Ғазначилик булинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал килади.

## Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:


**«Пудратчи»**

**“MUSTAFA FIRST DESIGN” МЧЖ**

(товар, хизмат курсатувчи номи)

Манзил: Наманган шахар сохил МФЙ
Боғ кўча 38-уй
Тел: 94-507-01-03
х/р 2020 8000 9053 6052 4001
ОКОНХ:
МФО:00446
СТИР: 308 297 416

МЧЖ рахбари: М.Ғуламов

М.Ў

**«Буюртмачи»**

**Наманган туман Халк таълими бўлими**

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Кичик Тошбулок МФЙ

Тел./факс: 69-47-21-675
Шхв: 100022860142127092100075048
Бюджетдан маблағ олувчи СТИР:200081909
ОКОНХ: 97600

Ғазначилик бўлинмаси номи: Уз.Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Тошкент ш Марказий банк ХККМ
МФО: 00014 СТИР: 201122919

Рахбар: Н.Юлдашов

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 168322 на приобретение Наманган туманидаги 27- сонли умумий урта таълим мактабини капитал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 28.10.2022

Время рассмотрения 28.10.2022 13:41

Закупочная комиссия Наманган тумани Халк таълими булими-марказлашган, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YULDASHOV NODIRJON NORMATJONOVICH | Наманган туман ХТБ бошлиғи | Наманган туман ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | ISAKOV DONIYOR MUXTARALIYEVICH | Коммисия котиби | Наманган ХТБ |
| **Член комиссии** | MAKSUDOV VALIJON NABIDJANOVICH | Maktab derektori | Наманган туман ТТБ |
| **Член комиссии** | ERGASHEV OLIMJON ABDUSATTOROVICH | Maktab xojalik Mudiri | Наманган туман ТТБ |
| **Член комиссии** | NURMATOV SOBIRJON ADASHBAYEVICH | коммисия аъзоси | Наманган туман ХТБ |
| **Член комиссии** | BOYDEDAYEV MIRZAVALI SATTAROVICH | Коммисия аъзоси | Наманган тумани ХТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.10.2022 года № лота 168322.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту зданий** |
| Подробное описание | Наманган туманидаги 27-сонли умумий урта таълим мактабини капитал таъмирлаш |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 92 579 226.00 |
| Стартовая сумма | 92 579 226.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи Ф2 Ф3 хисоботлари Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи Ф2 Ф3 хисоботлари Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Wondershare PDFelement

Wondershare PDFelement

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО MUSTAFA FIRST DESIGN | 20 | Айланма маблағлар билан таъминланган | 17 | Экспертная | | |
| "Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ | 20 | Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи Ф2 Ф3 хисоботлари Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот | 12 | Экспертная | | |
| ООО MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 20 | 20 | 16 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов обектига ухшаш курилиш сохасида иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов обектига ухшаш курилиш сохасида иш тажрибаси

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО MUSTAFA FIRST DESIGN | 20 | иш тажрибаси мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| "Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ | 20 | Танлов обектига ухшаш курилиш сохасида иш тажрибаси | 12 | Экспертная | | |
| ООО MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 20 | 20 | 18 | Экспертная | | |

Wondershare PDFelement

Критерий №3 Коррупсига карши баеноти

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупсига карши баеноти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО MUSTAFA FIRST DESIGN | 20 | Баёнот мавжуд | 19 | Экспертная | | |
| "Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ | 20 | Коррупсига карши баеноти | 12 | Экспертная | | |
| ООО MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 20 | 20 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари руйхати (balансда.лизинг ёки ижарада)

Wondershare PDFelement

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари руйхати (балансда.лизинг ёки ижарада)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 20 | Механизмлар мавжуд | 18 | Экспертная | | |
| "Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ | 20 | Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари руйхати (балансда.лизинг ёки ижарада) | 14 | Экспертная | | |
| OOO MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 20 | 20 | 16 | Экспертная | | |

Критерий №5 Ташкилотнинг ташкилий структураси .Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг ташкилий структураси .Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 20 | Малумотлар тулик | 18 | Экспертная | | |
| "Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ | 20 | Ташкилотнинг ташкилий структураси .Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | 15 | Экспертная | | |
| OOO MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 20 | 20 | 17 | Экспертная | | |

Wondershare PDFelement

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| OOO MUSTAHKAM INSHOOTLAR | 92 579 226.00 | 90 000 000.00 UZS | 90 000 000.00 | 00.00 | 90 000 000.00 | 27.10.2022 13:36:04 | 5 |
| OOO MUSTAFA FIRST DESIGN | 92 579 226.00 | 91 079 000.00 UZS | 91 079 000.00 | 00.00 | 91 079 000.00 | 22.10.2022 15:53:37 | 4.94077 |

Wondershare
PDFelement

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО MUSTAHKAM INSHOOTLAR** | 77.9 | 5 | 82.9 |
| **ООО MUSTAFA FIRST DESIGN** | 85.5 | 4.94077 | 90.44077 |
| **"Bek-shod qurilish ta`mir" MCHJ** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 168322 от 28.10.2022 года на приобретение Наманган туманидаги 27- сонли умумий урта таълим мактабини капитал таъмирлаш определила победителем:

ООО MUSTAFA FIRST DESIGN
308297416

и резервный исполнитель: ООО MUSTAHKAM INSHOOTLAR (306288784)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | YULDASHOV NODIRJON NORMATJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAKSUDOV VALIJON NABIDJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ERGASHEV OLIMJON ABDUSATTOROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURMATOV SOBIRJON ADASHBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | BOYDEDAYEV MIRZAVALI SATTAROVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

Wondershare
PDFelement

Wondershare PDFelement

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

CI8126620507

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Tuman xalq ta'limi bo'limi hamda MUSTAFA FIRST DESIGN MCHJ o'rtasidagi 91 079 000 so'mlik 27 -sonli maktabni joriy ta'mirlash shartnomasi.**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Namangan tuman xalq ta'limi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Namangan tumani yuridik markazi markaz rahbari:** B.B.IBRAGIMOV 03.11.2022

Wondershare PDFelement

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

2 ноябр 2022 йил Наманган тумани

Наманган вилояти худудидаги Наманган туман халк таълими булими томонидан 2022 йил 2 ноябрдаги 168322-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғриси» даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Наманган туман халк таълими булимига карашли 27-умумтаълим мактаб биносида капитал таъмирлаш ишлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғриси» даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **«MUSTAFA FIRST DESIGN» МЧЖ** томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар "Давлат харидлари тўғриси"даги конуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги холатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин хисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Давлат буюртмачи ташкилоти рахбари:** **Н.Юлдашов.**

**Давлат буюртмачи ташкилоти бош хисобчиси:** **К.Мурадов.**

Wondershare PDFelement

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Наманган туман Молия бўлими мудири
________________
______ __________2022 йил

"КЕЛИШИЛДИ"
Наманган туман ҳокими ўринбосари
________________
______ __________2022 йил

Наманган туман халк талим бўлимига қарашли таълим муассасаларини 2022 йил куз -қиш мавсумига тайёрлаш ва қурулиш таъмирлаш ишлари учун ажратилиши лозим бўлган маблагларнинг

## МАНЗИЛЛИ РУЙХАТИ.

Млн сўмда

| № | Ташкилот номи | Ташкилот манзили | Курилган йили | Қуввати | Бажараладиган иш (хизмат) нинг мазмуни | Лойиха сметаси буйича талаб этиладиган маблаґ | Шу жумладан | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | 2022 йил махаллий бюджетнинг иқтисод қилинган маблаґлар хисобидан | Бюджет параметрлари маблаґлари хисобидан | Туман хокиминг фармойишига асосан ажратилган | Вилоят хокимининг фармойишига асосан | Бюджет муассаларини бюджетдан ташкари маблаґлари хисобидан |
| | ЖАМИ: | Мактабгач таълим бўлими | | | | 1607,65 | | 1607,65 | | | |
| 1 | 3-мактаб | Кумкургон МФЙ | 1966 | 900 | Янги кумирхона куриш | 77,20 | | 77,20 | | | |
| 2 | 6-мактаб | Кумкургон МФЙ | 2009 | 320 | Мактаб укув биносини пол қисмини эшик ромларини алмаштириш | 115,80 | | 115,80 | | | |
| 3 | 7-мактаб | Кайковуз МФЙ | 1991 | 360 | Мавжуд кумирхонани жорий таьмирлаш | 63,78 | | 63,78 | | | |
| 5 | 11-мактаб | Элатан МФЙ | 1987 | 540 | Янги кумирхона куриш, иссиклик тизимини жорий таьмирлаш | 62,73 | | 62,73 | | | |
| 6 | 12-мактаб | Бешкапа МФЙ | 1960 | 575 | Бошланғич укув биносини иссиклик тизимини жорий таьмирлаш | 107,20 | | 107,20 | | | |
| 7 | 17-мактаб | Тепакурғон МФЙ | 1966 | 1124 | Бошланғич укув биносини пол қисмини жорий таьмирлаш | 173,70 | | 173,70 | | | |
| 8 | 18-мактаб | Оқбулоқ МФЙ | 1996 | 844 | Мактаб укув биносини пол қисмини жорий таьмирлаш | 175,45 | | 175,45 | | | |
| 9 | 21-мактаб | Кичик курама МФЙ | 1972 | 540 | Мактаб укув биносини эшик ромларини алмаштириш,50м2 йулак куйиш | 221,02 | | 221,02 | | | |
| 10 | 23-мактаб | Навкирон МФЙ | 1988 | 624 | Битмаган хожат хонани куриб битказиш | 125,45 | | 125,45 | | | |
| 12 | 25-мактаб | Миришкор МФЙ | 1993 | 640 | Янги хожатхона қуриш | 193,00 | | 193,00 | | | |
| 13 | 26-мактаб | Қоратепа МФЙ | 1984 | 1035 | Бошланғич укув биносини пол қисмини, иссиклик тизимини жорий таьмирлаш | 106,15 | | 106,15 | | | |
| 14 | 27-мактаб | Маллаховуз МФЙ | 1976 | 1315 | Янги кумирхона куриш,30пм девор куриш | 96,50 | | 96,50 | | | |
| 15 | 30-мактаб | Саховат МФЙ | 1986 | 960 | Янги кумирхона куриш | 89,68 | | 89,68 | | | |

Наманган туман халқ таълими бўлими мудири: Н.Юлдашов

Наманган туман халқ таълим бўлими бош хисобчиси: К,Муродов

Наманган туман халқ таълим бўлими қурилиш бўйича мутахасис: М.Бойдедаев

Wondershare PDFelement